# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2021 йил
**17 апрель**
шанба

**№ 52 (4492)**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz




## Кун нафаси

Президент **Шавкат Мирзиёев** ҳудудлардаги ўзгаришлар, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш мақсадида 2021 йилнинг 15-16 апрель кунлари **Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.**

* * *



Россия Федерациясига ташрифи доирасида Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари **Т.Норбоева МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеяси Кенгашининг мажлисида иштирок этди.**

* * *



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори **Акмал Саидов** Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Швеция Қироллиги ташқи ишлар вазири **Анн Линде билан учрашди.**

* * *

Фарғона вилоятининг **Сўх тумани** учун кичик авиация транспорти қатновини йўлга қўйиш мақсадида «Навобод» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида **самолёт ва вертолётлар учун учиш-қўниш майдончаси ташкил этилмоқда.**

* * *



16 апрель куни Тошкентдаги «Универсал» спорт мажмуасида каратэ **WKF бўйича** ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида **Ўзбекистон чемпионати** мусобақалари бошланди.

* * *

Пойтахтимиздаги гимнастикага ихтисослашган Республика олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабида **жаҳон кубогининг саралаш баҳслари** бошланди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**




Ишчи гуруҳ фаолияти



**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш мақсадида Хоразм вилоятида бўлганида мутасаддилар олдига хато ва камчиликларни қисқа фурсатларда бартараф қилиш вазифасини қўйган эди. Хўш, ишчи гуруҳ аъзолари, сектор раҳбарлари танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқардими? Давлатнинг эътибор ва ғамхўрлигини ҳар бир аёл ўз тақдирида ҳис қиляптими?**



# Ҳар бир аёл кулиб яшашга ҳақли

**«МЕН ОЖИЗА ЭМАСМАН»**

Адолат Мадраҳимова ўттиз икки ёшда. Бир ёшида шифокорлар томонидан полиомелит ташхиси қўйилган. Қизалоқнинг оёқлари фалаж бўлиб қолгач, унга иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланган. Аммо бу уни ҳаракатдан чекланишга мажбур қилолмади. Болаликдан интилувчан, тиришқоқ Адодат нафақат ота-онасининг, балки қўни-қўшниларнинг ҳам меҳрини қозониб улгурди. Унинг жамиятдан ажралиб қолишини истамаган қўшни ўқитувчи Ҳасанбой ака ўн йил мактабга беминнат олиб бориб келди. Юқори синфда ўқиб юрганида яна бир қўшниси Санамжон опа Адолатни шогирдликка олиб, тикувчилик сирларини ўргата бошлади.



– Атрофимда яхши инсонлар кўплиги бахтимдир, – дейди Адолат. – Улар туфайли жамиятда ўз ўрнимни топдим.

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш мақсадида ўтказилган хатловда тикувчи қиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш нияти борлигини билдирди. Унинг бу истаги анкета сўровномасида акс этди. 33 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига Адолат Мадраҳимова ўз уйида мўъжазгина тикувчилик цехи очиб, маҳаллада ишсиз ўтирган 10 нафар аёлни ишга қабул қилди. Цех қисқа фурсатда Хива туманида довруқ қозонди. Ҳозирда буюртмаларнинг изи узилмаяпти.

2 ▸



**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУН-У КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН**

**1092 –**

**қисқа рақамли «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га**

**меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг доимий эътиборида!**

# Улуғ мутафаккирга эҳтиром

*Афғон заминидан ҳаяжонли таассуротлар билан қайтдик*



– Бир гуруҳ зиёлилар 7-8 апрель кунлари Ҳирот шаҳрида Алишер Навоий ижодига бағишланган халқаро конференцияда иштирок этдик. Илк ташрифимиз февраль ойига тўғри келган бўлиб, унда асосан Алишер Навоий мақбарасини ободонлаштириш бўйича музокара олиб боргандик, – дейди **Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ.**

– Бобомиз қўним топган маскан Афғонистонда кечган уруш даврида бироз хароб аҳволга келиб қолган. 1990 йилларда ҳиротлик бир тадбиркор томонидан таъмирланиб, эскиси ўрнига чоғроққина мақбара қурилган. Президентимиз Шавкат Миромоновичнинг қалбида анчадан буён ана шу масканни обод қилиш орзуси бўлган экан. Бу йил катта тантаналар билан нишонланган 580 йиллик юбилей олдидан ҳукуматимиз ана шу савоб ишга бел боғлади. Бу ғояни Афғонистон ҳукумати ҳам мамнуният билан қабул қилди ва икки мамлакат ҳамкорликда ободонлаштириш ишларини олиб бормоқда. Қурилиши режалаштирилган 1,5 гектарлик мемориал комплексда кўркам мақбара, масжид, кутубхона, тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал ва Алишер Навоий музейи қад ростлади. Шунингдек, китобхонлар ва меҳмонлар учун махсус дам олиш ва мутолаа учун қулайликлар ҳам яратилди.

Тўғри, Афғонистон замини ҳали ҳамон нотинч. Аммо сўнгги пайтлардаги Ўзбекистон билан ривожланаётган дўстлик ва ҳамкорликдан нафақат у ерда яшаётган ўзбеклар, балки афғон халқи ҳам жуда хурсанд. Улар билан суҳбатлашганимизда, бутун мамлакат аҳлининг Ўзбекистонга катта умид кўзи билан қараётганини сездик. Айниқса, уларнинг Ўзбекистон раҳбарига ҳурмати чексиз.

Албатта, бу – бежиз эмас. Ахир мамлакатда 10 миллион ўзбек миллатига мансуб аҳоли бор. Афсуски, унинг тўрт миллиони мамлакатдаги нотинчлик туфайли хорижга чиқиб кетган.

3 ▸


Келгуси сонларда ўқинг...








**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида кун-у тун фаолият кўрсатадиган**

**12-11**

**қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.**



Холис назар




Имконият

# ЯНГИ ТИЗИМ ЁШЛАРНИНГ КЎПЛАБ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТАДИ

**Ҳукуматнинг тегишли қарорига мувофиқ 1 майдан бошлаб халқаро имтиҳон тизимларида юқори балл тўплаган ёшлар харажатлари давлат томонидан тўлиқ қоплаб бериладиган бўлди. Энди ҳақли савол туғилади: бу тизим қандай муаммоларни ҳал этади?**



**Алишер САЪДУЛЛАЕВ,**
Ёшлар ишлари агентлиги директори

Биринчидан, асосан, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи ёшлар маблағ туфайли грант қидиришади. Лекин тест топширишга ва таваккал қилишга пули бўлмайди. Эндиликда IELTS, SAT, TOEFL, GMAT, GRE ва яна 13 хилдаги халқаро имтиҳонларда юқори натижа кўрсатган ёшларнинг имтиҳон харажати билан боғлиқ муаммолари бўлмайди. Уларнинг оиласи, ота-оналари ҳам давлат ёрдамини ҳис қилади.

Биргина IELTS халқаро имтиҳонини Ўзбекистонда топширувчилар қайд этган ўртача натижа – 5,7 баллни ташкил этади. Таққослаш учун, Қозоғистонда ушбу кўрсаткич 6,1 баллни ташкил этади. Бу борада мамлакатимиз 34-ўринда турибди. Юқори натижага эришган ёшларнинг имтиҳон харажатлари давлат томонидан тўлаб берилар экан, ёшлар юқори натижа учун, кўпроқ билим олиш учун ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Иккинчидан, бизда чет элда ўқиш ёки ишлаш учун кетадиган аҳолининг зиёли қатлами асосан шу халқаро тест тизимлари орқали юборилади. Эндиликда бизда мана шу зиёли қатламнинг базаси шаклланади. Бу – давлат учун жуда муҳим саналади. Яъни, иқтидорли ва салоҳиятли ёшлар базаси яратилади.

Учинчидан, «Эл-юрт умиди» жамғармаси учун яхлит тизим. Айнан шу Халқаро тест тизимларида юқори балл олган ёшларни давлат саралаб олиб, хорижий олий таълим муассасаларига жўната олади.

2018-2020-йилларда «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари орқали хорижда таълим олиш ва стажировка ўташ дастурларининг вилоятлар кесимидаги статистикасига кўра, жамғарманинг энг кўп стипендиати Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда – 695 нафар. Энг кам кўрсаткич эса Сирдарё вилоятига тегишли – 2 нафар. Бундан кейинги ўринда Сурхондарё вилояти – 6 нафар. Бу кўрсаткичлар вилоятлар кесимида жуда ҳам кам, марказда эса кўп. Янги тизим орқали эса барчага тенг имкониятлар берилмоқда.

Тўртинчидан, давлатнинг кадрлар сиёсати учун захира кадрлар тизими яратилади. Албатта, тил биладиган, халқаро имтиҳонларда юқори натижага эришадиган ва хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олган минглаб кадрларни етиштирамиз.

Бешинчидан, бу механизм билимли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чекка ҳудудлардаги ёшлар ҳам сифатли таълим олишига, хорижнинг нуфузли олий таълим даргоҳларида ўқишига ва давлатимиз учун фойдали кадрлар бўлиб етишишига кенг йўл очади. Ёшлардан талаб қилинаётган нарса эса интилиш, ҳаракат ва билим олиш.

Ҳурматли ёшлар! Ҳукуматимиз бугун сизларга имкониятлар эшикларини кенг очган экан, бунга жавобан сиз келгусида юртимизнинг янада равнақ топишига ўз ҳиссангизни қўшишингиз лозим.

Белни маҳкам боғланг, замон ва имкониятлар сизники!

«Аёллар дафтари»ни варақлаганда

# Ҳар бир аёл кулиб яшашга ҳақли

◂ 1

– Аёлни ожиза деганлар адашади, – дейди Адолат Мадраҳимова. – Бизга имкон беришса, олмайдиган қалъамиз йўқ. Мен ўз брендимни яратишни орзу қиламан. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятимни кенгайтириб, пиширикчилик, нонвойчиликни ҳам йўлга қўймоқчиман.

**«ИМКОН БЕРИШСА, САМОЛЁТ ҲАМ ЯСАЙМАН»**

Пандемия жуда кўп оилаларни иқтисодий қийинчиликлар гирдобига ташлагани сир эмас. Дилнозанинг ҳам фарзандларига иссиқ овқат пишириб беролмаган кунлари бўлди. Турмуш ўртоғи неча йилдан буён Россияда ишлаб юборган пуллари билан рўзғорни тебратиб келарди. Карантин оқибатида у ҳам ишсиз қолди. Эр-хотин бошлари қотиб ўтирган бир пайт дарвоза тақиллаб, «Ишчи гуруҳданмиз» дея кириб келган икки нафар аёл Дилнозадан «Нима дардингиз бор?» деб сўради.

– Қўлимизда коримиз бор, аммо фаолиятимизни йўлга қўйишга маблағимиз йўқ, – деди Дилноза.

Урганчлик Дилноза Собированинг номи «Аёллар дафтари»да кредит эвазига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагидаги хотин-қизлар қаторидан жой олди. Унинг бизнес лойиҳаси ўрганилиб, 32 миллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Қисқа фурсатда ҳовли тўридаги эски омбор бузилиб, ўрнида мўъжазгина цех бунёд этилди.

– Қўли гул тикувчи, тўқувчи опа-сингилларимиз кўп, аммо аёл кишининг қўлидан ванна ясаш келиши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, – дейди Урганч шаҳар ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Райҳон Давлетова.

– Ванна нима бўлибди, имкон беришса, самолёт ҳам ясайман, – дейди унга жавобан Дилноза.

Шу тариқа, Дилноза Собирова турмуш ўртоғи билан ўз уйида пластикдан ванна ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Турмуш ўртоғи хорижда турдош корхонада фаолият кўрсатгани асқотди. Дилноза ҳам қисқа фурсатда бу юмушнинг ҳадисини олди. Сифати хориж маҳсулотларидан қолишмайдиган ванналар ўз харидорларини топа бошлади.

– Бизни қўллаб юборишса, фаолиятимизни янада кенгайтирардик, – дейди Дилноза. – Бундай буюмлар ишлаб чиқариш учун уйимиз торлик қиляпти. Агар ер майдони ёки бўш турган бино ажратилса, маҳсулотлар сони ва турини кўпайтирардик, ўз савдо шохобчамизни ташкил қилардик. Бунинг натижасида камида яна 20 та иш ўрни яратиларди.



**ХАЗИНА ДЕГАНЛАРИЧА БОР ЭКАН**

Урганч туманилик беш фарзанднинг онаси Дилфуза Соатбоева узоқ йиллардан буён ишсиз эди. Шу пайтга қадар хорижда ишлаб, рўзғор тебратган турмуш ўртоғи ҳам пандемия туфайли ишсиз қолди. Яхшики, «Аёллар дафтари»нинг шакллантирилиши, бу Дилфуза учун айни муддао бўлди.

30 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига уйида товуқ боқишни йўлга қўйди. 500 та жўжа олиб, парваришлашга киришди.

– Жониворлар тез ривожланар экан. Куни кеча уларни сотиб, 1000 та жўжа олдик. 40 кунда 4 миллион сўм даромад қилдик, – дейди Дилфуза. – Мен барча опа-сингилларимизга уйда парранда парваришлашни тавсия қилган бўлардим. Ортиқча куч ва вақт талаб қилмайди. Аммо рўзғорга барака олиб киради.

**«НОН ЁПАМАН ЎХШАТИБ»**

Янгибозорлик Зайнабжон Раҳимова 20 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига уйида нонвойхона ташкил қилди. Иккита тандир қурди. Қўшнисини ҳам иш билан банд қилди.

– Ўз фаолиятимни йўлга қўйишни ўн йиллардан буён орзу қилардим. Аммо маблағим йўқлиги туфайли журъат қилолмай келаётгандим, – дейди Зайнабжон. – Биз аёлларга берилаётган кенг имкониятлар туфайли ниятимга эришдим.

Ҳозирда нонвой аёлдан маҳалладошлар ҳам мамнун. Қисқа фурсатда мижозлар сони ортгандан-ортди. Қўни-қўшниларга хизмат кўрсатиляпти, тўйларга буюртма олиняпти. Маҳалладаги дўконга ҳам топшириляпти.

– Кунлик даромадимиз юз минг сўмдан ошяпти. Меҳнатим билан оиламга, уч фарзандимга янада кўпроқ фойда келтираётганимдан хурсандман, – дейди Зайнабжон. – Бизни қўллаб-қувватлаётган давлатимиздан миннатдорман. Уйда ўтириб ҳам даромад қилиш имконига эга бўлдик. «Қаловини топсанг, қор ёнар» деганлари шу бўлса керак-да.

**ҚИЛАДИГАН ИШЛАР ЯНАДА КЎП**

Ҳа, Хоразм аёллари гужумга ўхшайди. Иродаси метин, қулочи кенг, атрофидагиларга фойдаси тегса, боши кўкка етади. Болаларим бахтли яшаса, ҳеч кимдан кам бўлмаса, дейди. Бунинг учун бор имконини ишга солади. Озгина эътибордан ҳам қувват олиб, иштиёқи ортади. Бунга Адолат-у Дилнозалар тақдири ёрқин мисол. Асосийси, бундай аёллар жуда кўп.

Умуман, шу кунга қадар «Аёллар дафтари»га киритилган 52 017 нафар хоразмлик аёлдан 35884 нафарининг муаммоларига ечим топилди. Жумладан, 25835 нафар аёлнинг бандлиги таъминланди. 19637 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди. 2061 нафар аёлга имтиёзли кредитлар ажратилиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш имкони берилди. 2989 нафар аёлга касб-ҳунар ўргатилди.

Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган 2968 нафар, ногиронлиги бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож 2566 нафар, қарамоғида ногирон фарзанди бўлган 215 аёлнинг барчаси моддий қўллаб-қувватланди. 1548 нафар аёл тўла тиббий кўрикдан ўтказилиб, зарур муолажалар тайинланди ва ноёб амалиётлар, муолажа учун маблағлар ажратилди. Ҳуқуқий ёрдам сўраган 1626 нафар, психологик маслаҳатга муҳтож 922 нафар аёлнинг муаммоси тўла ҳал қилинди.

244 нафар уй-жойи таъмирлашга муҳтож аёллардан 144 нафарининг яшаш шароитлари тубдан яхшиланди. Нотурар бинода яшаб келган 100 нафар аёлдан 68 таси ўз уйи-ўлан тўшагига эга бўлди.

Рақамлардан англашиладики, 69 фоиз аёлларнинг муаммолари ҳал бўлган.

– «Аёллар дафтари» ҳар бир хотин-қизга жамиятда ўз ўрнини топиш, оилада мавқеини мустаҳкамлаш, давлатдан ва ўзидан рози бўлиш имконини берди. Биз бунга жойларда опа-сингилларимиз билан мулоқот жараёнида, улар ҳаётидаги ўзгаришлар мисолида гувоҳ бўляпмиз, – дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эргаш Юсупов. – Бу эса республика ишчи гуруҳи раҳбари томонидан олдимизга қўйилган вазифаларни янада масъулият билан адо қилишга ундамоқда. Асосий эътибор хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, ҳар бир аёл ҳаётда ўз ўрнини топишни истайди. Ҳар бир аёл уйим-жойим бадастир, фарзандларимнинг қорни тўқ, усти бут бўлсин, дейди. Мана шу тушунча бизнинг катта ютуғимиздир.



**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«ISHONCH»

Наманган вилояти

# Ечимсиз муаммонинг ўзи йўқ

**Чуст туманининг «Ариқбўйи» маҳалласида яшовчи Сожида Шерова кейинги пайтларда «Аёллар дафтари»га, Маҳлиё Расулова «Ёшлар дафтари»га киритилган эди. Унга қадар иккиси ҳам ўз уйида якка тартибда чеварлик билан шуғулланар, асосан қариндошлари ва қўни-қўшниларининг илтимосига кўра, одми бичимдаги ва оддий кўринишдаги кўйлаклар тикиб берарди.**

Аёлларнинг таъкидлашларича, ушбу усулда ишлаш орқали ҳам тирикчиликни ўтказиш мумкин, аммо бирор корхонада меҳнат қилган барибир бошқача-да! Аввало, ўзгалар билан ҳамкорлик қилиб, тажрибаларини бойитади, иккинчидан, доимий буюртмаларга эга бўлади.

Масалага шу жиҳатдан ёндашсак, маҳалладаги эски киноклуб биноси ўрнида «Бобур текстиль» номи билан аталувчи замонавий тикув цехи барпо этилиши Сожида, Маҳлиёхон ва улар сингари ишлаш истагида юрган ўнлаб аёллар учун айни муддао бўлди. Мазкур корхона шарофати билан ҳозиргача 100 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Улар тикаётган кийим-кечаклар асосан четга экспорт қилина бошланди. Янги цехда ишлайдиганлар сони яқин орада 150 нафарга етказилиши, шунга мувофиқ, тайёрланадиган маҳсулотлар миқдори кўпайиши ва сифати янада яхшиланиши кутилмоқда.



Бугунги кунда «Аёллар дафтари» рўйхатида турган Улбиби опанинг ҳам қувончи чексиз. Буни қарангки, унинг анча йиллар бурун харобага айланиб қолган уйи кам таъминланган оилаларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликлар доирасида таъмирдан чиқарилгач, мутлақо ўзгача кўринишга эга бўлди. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар кўмагида бу хонадонга иссиқхона ҳам қуриб берилди.

У онахоннинг оила аъзолари деҳқончилик билан шуғулланишлари, турли-туман мева-сабзавотлар етиштириб, эл дастурхонининг тўкин-сочинлигига ҳисса қўшишлари учун хизмат қилади.

Демак, Чуст туманида ҳам аҳолининг иш билан бандлиги масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ҳамда ҳунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи борлиги туфайли туман кесимидаги «Аёллар дафтари»га киритилган 1920 нафар хотин-қизни ташвишлантираётган муаммоларни ижобий ҳал этиш, уларга муайян касбларни эгаллашлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари ёки ўз бизнесларини юритишларига кўмаклашиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.



**Орзугул РУСТАМОВА,**
«ISHONCH»

Сурхондарё вилояти

**Сариосиё туманининг «Келажак сари» маҳалласида яшовчи ёлғиз аёл Шоиста Эргашева 3 нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб катта қилмоқда. Очиғи, турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган Шоиста опа ҳар томонлама ёрдамга муҳтож бўлишига қарамай, бирон марта арз-дод қилмаган.**

# Ҳимматингизга балли, Абдуғаффор ака!

Аёллар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича махсус комиссия аъзолари «Уй-жойингизни саховатпеша инсонлар кўмагида таъмирлаб берамиз», дейишганда ҳам камсуқум Шоиста опа ийманибгина «Сизларни овора қилиб қўйсак, хижолат тортамиз. Насиб, фарзандларим катта бўлса, бир иложини қилармиз», деб қўйганди. Лекин маҳалла фаоллари унинг оилавий аҳволидан кўз юммади.

Куни-кеча саховатпеша инсон Абдуғаффор Аҳмедов Рамазон ойи бошланиши билан туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига келиб, саховат улашиш ниятида эканини айтди. Сўнгра, мазкур бўлим бошлиғи ўринбосари С.Қосимов билан биргаликда Шоиста Эргашеванинг хонадонига бориб, уй-жойини таъмирлаш учун 160 та шифер, 6 дона 6 метрли страпил тахта, 2 боғлам 6 метрли рейка, жами 11 млн. 600 минг сўмлик материалларни бериб келдик.

– Очиғи, бундай мурувватни кутмагандим. Ҳаттоки, мени «Аёллар дафтари»га рўйхатга олишганини ҳам билмаганман. Илоҳим, халқпарвар раҳбарларимиз ва саховатли акаларимиз доимо омон бўлсин. Насиб этса, норасидаларим улғайиб, бу қарзларимизни халқимизга қайтарсин, – дейди қувончини яшира олмай Шоиста Эргашева.

Сариосиёда йил бошидан буён бу каби саховат тадбирлари 61 та маҳаллада амалга оширилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг ҳар бири билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг 9 тоифадаги муаммоларини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатилганидан сўнг, кунлик маълумот бериб бориш йўлга қўйилган. Муаммолар ижобий ҳал этилгандан сўнг, рўйхатдан чиқариш чоралари кўрилаётир.

**Холиёр ОДИНАЕВ,**
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси, Республика ишчи гуруҳининг Сариосиё тумани бўйича масъул вакили

Қашқадарё вилояти

# Битиклар қоғозда қолмайди

**Косон тумани «Гулобод» маҳалласида яшовчи Гулсанам Жумаеванинг уч нафар фарзанди бор. Эри ногирон. Оила бошлиғининг олаётган 520 минг сўм ногиронлик нафақаси ўзининг дори-дармони, даволанишидан ортмайди.**

Опанинг тўнғич ўғли Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида шартнома асосида ўқийди. Иккинчи фарзанди ҳам ўқув марказига қатнаб, ёзги имтиҳонларга тайёргарлик кўряпти. Аммо аён ҳақиқат шуки, бу ширин ташвишларнинг барчаси сарф-харажатларни талаб қилади.

Онаизорнинг боши қотди. Нима қилмоқ керак?

Касаба уюшма фаоллари, маҳалла мутасаддилари ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллани айланиб, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш чоғида Гулсанам Жумаева минг истиҳола билан аҳволини баён қилди. «Агар ёрдам бермоқчи бўлсангиз, менга иш топиб беринг. Ишламасам бўлмайди», деди муддаога кўчиб.

Аҳвол дафтарга қайд қилинди. Шуниси эътиборлики, битиклар фақат қоғозда қолиб кетмади. Опа ишли бўлди.

– Давлатимизга раҳмат, – деди опа миннатдор бўлиб. – Уч ойдан буён «Мурувват уйи»да ишлаяпман.

– Маҳалламизда аёллар муаммолари олдин ҳам бўлган. Аммо уларга ечим топишга қийналар эдик, – деди биз билан суҳбатда «Гулобод» МФЙ раиси ўринбосари Мақсуда Расулова. – Аҳоли яшаш шароитини янада чуқуррок ўрганиш натижаларига кўра, 35 нафар 31 ёшдан ошган аёл «Аёллар дафтари»га киритилганди.

Улардан икки нафар боқувчисини йўқотган ҳамда бир нафар тиббий ёрдамга муҳтож аёлга 490 минг сўмдан моддий кўмак берилди.

8 нафар аёл 2-сонли касб-ҳунар мактабида чеварликка ўқияпти.

Уч фарзандни ёлғиз катта қилаётган Сойгул Бозорова ҳудуддаги 12-ўрта мактабда иш бошлаган бўлса, Гулзор Қўзибоева хусусий мактабгача таълим ташкилотида тарбиячилик фаолиятини йўлга қўйди.

Бундан ташқари, икки фарзанднинг онаси, боқувчисини йўқотган Лола Сиддиқова ҳам хусусий боғча қилиш истагини билдирди ва ҳужжатларини тахлади. У ўз уйида янги иш ўрни яратиб, жажжи ўғил-қизларни мактабга тайёрламоқчи бўляпти. Туман мактабгача таълим бўлими мутасаддилари мазкур масаладан хабардор. Ҳозирда пойтахтдан жавоб кутиляпти.

Демак, ҳаракатлар бесамар кетмайди.

Шунингдек, беш нафар ишсиз аёлни ободонлаштириш бўйича жамоатчилик ишига жалб этдик.



Умуман олганда, аёлларимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарган. Яқинда «Агробанк» ходимлари томонидан эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди.

– Косон туманидаги «Наврўз» маҳалласидан 31 нафар хотин-қиз «Аёллар дафтари»га қайд қилинди, – деди МФЙ раиси ўринбосари Муҳаббат Жуманазарова. – Улардан бири, тўрт фарзанднинг онаси Мамлакат Донаева меҳнат инспектори ёрдамчиси сифатида ишга кирди.

Боқувчисини йўқотган аёлнинг ишли бўлгандаги қувончи бизни ҳам четлаб ўтмади.

Нигора Қаршиеванинг ўзи ҳам, эри ҳам ишсиз. Уч нафар вояга етмаган фарзандини боқишда бу оилага осон тутиб бўлмайди. Ишчи гуруҳи уларнинг ҳолатини ўрганиб, Нигорага замонавий тикув машинаси беришга қарор қилди.

Қўлидан яхшигина чеварлик иши келадиган Нигора буюртма асосида мижозларга хизмат кўрсатиш билан бирга, икки нафар аёлга ўз ҳунарини ўргатишни ҳам бошлаб юборди.

Ногирон фарзанд тарбиялаётган Севара Ўнгбоева ҳам тикув машинали бўлди. У энди ўзини ўзи банд қилиб, бўш вақтида чеварлик юмушига чалғийди.

Ўзи ва боласи мунтазам равишда даволаниб турадиган маҳалладошимиз Гулжамол Остонова эски тикув дастгоҳида қизларнинг сепи учун кўрпа-тўшак ва чойшаблар тикарди. Эри мавсумий ишларни қилиб юради.

Бу оилага маҳалладан имтиёзли кредит учун сертификат берилди, банкдан 15 миллион сўм кредит олди. Айни пайтда у учта замонавий тикув машинаси харид қилиб, ўз хизматлари доирасини кенгайтирган. Рўзғорга келадиган барака ҳам шунга яраша ўсмоқда. Энг муҳими, онанинг дардманд кўнглига нур, ёруғлик энгани бўлди.

Асосийси, хотин-қизлар ва ёшлар билан индивидуал тарзда иш олиб боришнинг самараси ўлароқ, «Наврўз» маҳалласидан юқори ташкилотларга, Президентнинг «Халқ қабулхонаси», Вазирлар Маҳкамасига бўлаётган аризалар, мурожаатлар сони кескин камайди.

Хулоса шуки, аҳоли мавжуд муаммоларни ишчи гуруҳи аъзолари кўмагида, сектор раҳбарлари билан мулоқотлар чоғида ечиш мумкинлигини англаб етяпти. Бугунимиз файзли, эртанги кунимизнинг янада баракотли бўлишига ишонч тобора ортиб бораётир.



**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»



# Улуғ мутафаккирга эҳтиром

◂ 1

Президент Мирзиёев интилаётган тинчликка эришиш нафақат аҳолининг турмуши, ҳаётини фаровон қилишга, балки асрий армонларининг ушалишига ҳам замин яратади. Эътибор беринг, икки-уч йил олдин Термиз шаҳрида махсус консулхона очилиб, Афғонистон шимолидаги аҳолининг дам олиш кунларида Термиз шаҳрига келиб-кетишига рухсат берилди. Афғонистоннинг Мозори Шариф, Кобул ва Ҳирот шаҳарлари анча ривожланган, аммо мамлакатнинг шимолий қисмидаги аҳолига бу марказий шаҳарлардан кўра Термиз яқинроқ – 30-40 километр. У ердаги аҳолининг озиқ-овқат, кийим-кечаклар сотиб олиши мамлакатимиздагидек осон эмас ёки бу борада ўзига яраша муаммолар бор. Шу боис ҳозирда Термизнинг Афғонистонга чегарадош ҳудудида афғонистонликларнинг бозор қилишлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишлари учун катта бозор қурилмоқда.

Таълим йўналишида Термизда «Афғонистон ёшларини ўқитиш маркази» ташкил этилган. Унда Ўзбекистондаги олий ўқув юртларига кирган барча афғон ёшлари, тадқиқотчилари ўқитилади. Ўтган йили 192 нафар афғонистонликлар мамлакатимиздаги олий ўқув юртларини битирган бўлса, ҳозирда яна 92 нафари турли йўналишда таҳсил олмоқда. Ўзимизнинг ўзбек тили ва адабиёти университетимизга эса яқинда 19 нафар афғон ёшлари бакалавриат, магистратура ва докторантура йўналишларига қабул қилиниш арафасида. Бу ишлар тақдири бир-бирига туташ инсонлар ҳаётида жуда катта ўзгариш ясамоқда, уларнинг қалбларига умид ва ишонч бахш этмоқда.

Ришталарнинг тикланиши натижасида Афғонистон томонидагилар иккинчи юртига келиш бахтига эришиб, бир-бирини йўқотиб қўйган қариндошлар, жигарлар топишишган бўлса, Ўзбекистон томони ён қўшнисининг уйида тинчлик ҳукмрон бўлиши, одамларининг қалбида хотиржамлик ҳукм суриши учун барча ишларни қилмоқда.

Қачонлардир ҳаттоки номи ҳадиксираб тилга олинган давлат ва у ердаги аҳоли учун ушбу қадамлар моҳиятини, узатилаётган қўлларнинг қардош халққа қанчалик мадад бўлишини тушунган тушунади, албатта. Бунинг тагида жуда катта жасорат ётибди.

Энг муҳими, уларда бизга, халқимиз, миллатимизга юксак эҳтиром бор. Айни пайтда Афғонистондаги 5 та университетда ўзбек тили ўргатилмоқда. Мамлакатнинг шимолида ўзбек тилидаги мактаблар сони кўпаймоқда.

Алишер Навоийга муносабатга келсак, оддий халқ албатта уни ўз аждоди, улуғ шоир-ёзувчи дебгина эмас, буюк авлиё сифатида ҳам чексиз ҳурмат қилади. Зиёлилар Навоийни давлат арбоби сифатида юксак қадрлашади. Бу эътибор ва эъзоз намунасига Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани жаноби олийларининг ташаббуслари билан ташкил этилган улуғ шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро анжуманда ҳам амин бўлдик. Тадбирда Ўзбекистондан бир гуруҳ навоийшунос олимлар, ёзувчи ва санъаткорлар иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Афғонистон халқига туҳфа сифатида нашр этилган беш китобдан иборат «Хамса» асари тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу туҳфани Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги махсус вакили Исматилла Эргашев қўлидан Афғонистон Президенти администрацияси раҳбари Шокир Коргар қабул қилиб олди.

Анжуманнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – унда ўзбек тилига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бўлди. Масалан, мактаб ўқувчиларидан ташкил топган хор ансамбли дастлаб ўзбек тилида, сўнг дари ва пушту тилларида қўшиқ куйлади. Бу Алишер Навоий тилига бўлган эҳтиром намунаси сифатида кўнгилларни қувонтирди. Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани ҳам ўзининг онлайн табригида, жумладан, ўзбек тилида ҳам сўзлади.

Бир сўз билан айтганда, Навоий сиймоси ўзбек ва афғон халқининг жипслигини янада мустаҳкамламоқда. Келгусида Ҳирот шаҳри томон очилаётган муаззам йўл ҳазрат Навоий асарларида куйланган эзгулик ва тинчликни мустаҳкамлашга, ўзбек-афғон дўстлигининг абадий давом этишига хизмат қилажак.



**Зебо НАМОЗОВА**
ёзиб олди

---

*Фарғона вилояти*

Барака сири – меҳнатда

# Тошда унган лимонлар

## *ёхуд «Мир»дан келган миллионлар ҳақида ҳикоя*

**Қалъача – Тошлоқ туманининг олисдаги қишлоқларидан бири. Бу ернинг экин майдонлари тупроқли эмас, тошли. Шу боис, бу ерларда деҳқончилик қилиш анча машаққатли. Ҳамма ҳам бу ерларда деҳқончилик қилишга ҳавасманд эмас.**



Лекин шу қишлоқда туғилиб ўсган, суяги меҳнатда қотган Отабек Исомиддинов ер билан тиллашиш ҳадисини олган деҳқонлардан.

– Бизнинг ерларимиз тошлоқ. Шунинг учун бу ерларда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди, – дейди Отабек Исомиддинов. – Лекин қаловини топса, қор ҳам ёнади, деганларича бор экан. Тошлоқ ерни ҳам бўстон қилиб, яхши даромад топиш мумкинлигини кўриб турибмиз. Дастлаб мана шу тошлоқ ерга иссиқхона қуриб, унга лимон экишни бошлаганимда «тошлоқ ерда ҳам лимон бўлар эканми, пулингга, меҳнатингга куясан» деганлар ҳам бўлди. Бу гап-сўзларга қулоқ тутмай, ишга киришдим. Тошлоқ ерни махсус техникалар ёрдамида кавлатиб, ариқлардан чиққан тупроқни олиб келиб ташладим ва 6 сотихли иссиқхонадан 9 тасини қурдим. Ҳозирда ушбу иссиқхоналарда 420 туп лимон кўчати бор.

Миришкор деҳқон иссиқхона қуриб адашмаган экан. Иссиқхонага экилган «Мир» навли лимон кўчатлари бехато кўклади. Экилганида 2 ёшли бўлган бу лимон кўчатлари орадан бир йил ўтиб, шиғил мева тугди. Ҳар бир лимон кўчати илк ҳосилининг ўзида 10 кг.дан ҳосил берди. Отабек Исомиддиновнинг айтишича, лимон мевасига харидор излашнинг ҳожати йўқ экан. Харидорнинг ўзи сизни излаб келар экан.

– Дастлабки ҳосилнинг ўзидан иссиқхона қуриш учун кетган сарф-харажатларни қоплаб бўлдик, – дейди Отабек Исомиддинов. – Эккан кўчатларимиз иқлимимизга, еримизга жуда мос тушди. Ўтган йили 420 туп лимон кўчатидан 4 тоннадан зиёд ҳосил олдик. Даромадимиз ҳам чакки бўлмади. Ҳар бир килограмм лимонни 8 минг сўмдан харидорнинг ўзи келиб узиб кетди. Лимоннинг йилдан-йилга ҳосили кўпайиб боришини ҳисобга олсак, бу йил ундан ҳам кўпроқ ҳосил ва даромад олишни кўзлаб турибмиз.

Отабек Исомиддиновнинг иссиқхона қуриб, яхши даромад олиши ҳамқишлоқларини ҳам руҳлантириб юборгани рост. «Тошлоқ ерда лимон бўлар эканми» деганларнинг ўзлари ҳам иссиқхона қуриш ишларини бошлаб юборган. Отабек Исомиддинов эса лимон етиштириш истагида бўлган ҳамқишлоқларига лимон парваришлаш, унинг агротехник қоидалари, касалликларга қарши курашиш бўйича маслаҳатларини бериб келмоқда.

Айни пайтда тошлоқлик лимончи иссиқхонани янада кенгайтириш, апельсин етиштиришни ҳам йўлга қўйишни режалаштирган.



**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«ISHONCH»

---

*Сурхондарё вилояти*

«Ishonch» кўзгуси

**Какайди Жарқўрғоннинг шаҳарчага тенглашган қўрғони. Қўрғондаги «Бобур» ва «Нефтчилар» маҳаллалари ёнма-ён жойлашган. Уларни битта кўча ажратиб туради. Маҳаллалар Жарқўрғон тумани марказидан чамаси 15 километр олисда жойлашган бўлиб, азалдан бу ерларда аҳоли учун барча қулайликлар, ижтимоий шарт-шароитлар бошқа жойларга нисбатан яхши бўлган. Эндиликда эса қозоқ, тожик, араб, туркман, рус, татар каби турли миллат вакилларидан иборат 10 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган аҳоли муаммолар гирдобида.**

# Какайдининг кўча бозори



– Гап шундаки, 2018 йилда «Обод қишлоқ» дастурига тушган маҳалламизда бирозгина бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, 24 хонадан иборат 4 қаватли бино, 30 хонадон учун 2 сотихли коттежлар қурилган. Ҳудудимиздаги икки минг нафар ўқувчи таълим олаётган 5-умумтаълим мактаби, «Маданият» саройи, 28-оилавий поликлиника капитал таъмирдан чиқарилган. Дастур доирасида, «Мустақиллик», Ислом Каримов, Амир Темур, Собир Раҳимов номидаги кўчаларимизга асфальт тўшалган. Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ал-Фаробий номидаги кўчаларимизга тош ётқизилди. Бироқ... «Обод қишлоқ» давлат дастури ижроси маҳалламизда бошлангунча қўшни «Бобур» маҳалласи ҳудудида обод ва файзли бозорчамиз бор эди. Бозорча бузилиб, жойига янги масжид қурилиши бошланган кундан буён муаммо кўпайди. Қолган ишлардан бехабарман, – дейди «Нефтчилар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий, маънавий масалалар бўйича ўринбосари Комила Абдуллаева.

**– МЕН БОЗОРНИ БЕЗАКСИЗ БИР САҲНА ДЕБ БИЛАМАН. АРЗОННИ ҲАМ, ҚИММАТНИ ҲАМ, ҚАДРЛИ-Ю ҚАДРСИЗНИ ҲАМ КЎРАМАН. УНДА ҲАМЁН БИЛАН БИРГА АҚЛ, ИНСОФ, УМУМАН, ТИРИКЧИЛИКНИНГ ҚЎЛИДАН ТУТГАН БАРЧА ВОСИТАЛАР БАРАВАР ОТ СУРАДИ. ДЕМОҚЧИМАНКИ, БОЗОРДА ҲИКМАТ КЎП. ШУНИНГ УЧУН ОТАНГ БОЗОР,ОНАНГ БОЗОР, ДЕБ АЙТИШГАН-ДА. КАКАЙДИДА БОЗОР ҚУРИЛИШИ ТОКАЙГАЧА МУАММО БЎЛИБ ҚОЛАДИ, ҲАЙРОНМАН.**

«Бобур» маҳалласида бўлдик. Ташрифимиз боисидан хабар топган МФЙ раиси Норбой Бобомуродов шундай деди:

– Икки йилдан буён элимиз бозорни қўмсаб юрибди. Тўғри-да, вақти-вақти билан у-бу харид қилиш, бозор баҳона турли ташвишларни бир дам бўлсин, унутиб яшаш кундалик одатга айланган эди. Какайди бозори ҳар қандай одамга завқ-шавқ бағишларди. Ўрнида янгидан «Самандар Термизий» номидаги масжид ҳашар йўли билан қурилди-ю, бозор «кўчада қолди». Олис-яқин қишлоқлардан келганлар, шириндан-ширин сархил мевалар ҳамда ўзлари хоҳлаган матолар харид қиладиган аҳолимиз ана шу «кўчада қолган бозор»дан савдо қилишга мажбур бўлмоқда. Маҳалла аҳли номидан Жарқўрғон тумани ҳокими номига 2 йилдан буён қўрғонимизда янги бозор қурилишини сўраб қилаётган ёзма ва оғзаки мурожаатларимга ҳеч ким қулоқ тутмайди. Захирада бозор қурилиши учун ер йўқ, деган жавоблардан, тўғриси, чарчадик.

Какайдининг «кўчада қолган бозор»идаги ўнлаб деҳқон-у, савдогарлар ва бир гуруҳ харидорлар билан суҳбатлашдик. Қўрғондаги бозор ҳар томонлама қулай бўлганини, санитария қоидалари ва талабларига тўлиқ жавоб беришини, қишнинг қировли кунлари усти ёпиқлиги жуда қўл келганини айтишди. Ана шундай жой нега бузилганига барча ҳайрон-у лол. Ҳозирги ҳолатда патта пулларини ҳам тўлаш малол келаётганини очиқчасига айтишди. Биз Какайдининг кўча бозоридан қайтар чоғимизда, сотувчилардан бири шундай деб қолди:

– Мен бозорни безаксиз бир саҳна деб биламан. Арзонни ҳам, қимматни ҳам, қадрли-ю қадрсизни ҳам кўраман. Унда ҳамён билан бирга ақл, инсоф, умуман, тирикчиликнинг қўлидан тутган барча воситалар баравар от суради. Демоқчиманки, бозорда ҳикмат кўп. Шунинг учун отанг бозор,онанг бозор, деб айтишган-да. Какайдида бозор қурилиши токайгача муаммо бўлиб қолади, ҳайронман.

Умид қиламизки, туман ҳокими ва мутасаддилари бозор қурилишини ўйлаб кўришади.



**Рустам ДАВЛАТОВ,**
«ISHONCH»

---

*Самарқанд вилояти*

**Тойлоқ туманидаги 13-мактаб директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари Лола Ғайбуллаевага меҳнат таътили «қиммат»га тушишига бир баҳя қолди...**

Ҳуқуқ



# Ғаладонда қолган ариза

Вужудида нохушлик сезган аёл туман халқ таълими бўлимида бўлиб, аҳволини тушунтирди. Аслида, касаллик варақаси очдириб, даволаниши ҳам мумкин эди. Аммо у бундай қилмади. Мудир номига ариза ёзиб, таътил сўради. Аризани қабул қилиб олган ХТБ кадрлар инспектори А.Хўжаназаров раҳбар номига ҳам худди шу тахлитда ариза топшириш лозимлигини уқтирди.

Жорий йилнинг 1 март куни мактаб директори номига меҳнат таътили бериш тўғрисида ариза ёзиб, саломатлигини мустаҳкамлаш пайига тушди.

«...Ҳамма машмаша таътилим тугаган 29 март кунидан бошланди, – дейилади Лола Ғайбуллаеванинг касаба уюшмаларига мурожаатида. – Ишга келсам, мактаб директори қаерда юрибсан, мен сени ишга келмаяпти, дея далолатнома тузиб, ХТБга топширганман. Тўрт томонинг қибла, қабилидаги сўзлар билан қаршилади. Туман ХТБ раҳбариятидан рухсат олганимни, ўзига ҳам ариза билан мурожаат қилганимни тушунтиришга ҳарчанд уринмай, натижа чиқмади. ХТБ мутасаддилари эса директор билан келиш, дейишдан нарига ўтишмади. Хуллас, ўрта йўлда сарсон бўлиб қоляпман...».

Мурожаат ўрганилди. Маълум бўлдики, меҳнат таътили тўғрисидаги ариза мактаб директори розилиги олиниши баҳонасида бир ой давомида ХТБ кадрлар бўйича инспектори ғаладонида қолиб кетган. Таътилдан сўнг бу ҳолат ходимнинг ишга қайтишига «мўъжазгина совға» бўлибди. Лоқайдлик унинг сарсонгарчилиги сабабига айланибди. Директор «мен сенга таътил бермаганман», деган важ билан оёқ тирайди. ХТБ мудири розилиги асосида таътилга кетган ходим аризасига буйруқ тайёрлашнинг унутилгани оқибати ана шундай таранг вазиятга сабаб бўлган.

Мутасаддилар иштирокида ҳолат муҳокама этилди. Маъмурият томонидан ходимнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилганлиги ўз исботини топди. Касаба уюшмалари аралашуви билан Лола Ғайбуллаева ўз ишига тикланди.

**Улуғбек ҒАНИЕВ,**
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Меҳнат инспекциясининг
Самарқанд вилояти бўйича меҳнат
ҳуқуқи инспектори

---

Эълон

Аукцион савдолари хабарномаси

«KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Очиқ аукцион савдоларига **«TOSHSHAHARTRANSXIZMAT»** АКга қарашли **«TOSHKENT TRAMVAYI»** унитар корхонаси ҳисобидаги, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси манзилида жойлашган умумий қурилиш майдони 221,0 кв.метр, фойдали майдони 181,72 кв.метрдан иборат бўлган №85-сонли электр нимстанцияси биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 686 362 000** ***(олти юз саксон олти миллион уч юз олтмиш икки минг) сўм.***

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдолари 2021 йил 18 май куни соат 15:00да ташкил қилинади.

18.05.2021 йил санасида аукцион савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 15:00да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

**Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:**

– «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизи миқдоридаги закалат пулларини тўлашлари;

**– жисмоний шахслардан** паспорт нусхаси, СТИР нусхаси;

**– юридик шахслардан** давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, раҳбарнинг паспорт нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоси ғолибига 10 банк иш куни ичида Сотувчи, яъни «TOSHKENT TRAMVAYI» унитар корхонаси билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни тўлаш муддати ҳамда қўшимча шартлари олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Талабгорлар томонидан ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатиш учун 2 500 000 (икки миллион беш юз минг) сўм миқдорида тўлов тўланиши лозим.

Аукцион савдоларида ғолиб бўлган талабгор мулк сотилиш қийматининг 2 % (фоизи) миқдорида комиссион йиғимини аукцион савдолари ўтказилган санадан бошлаб 5 (беш) кун мобайнида савдо ташкилотчисининг ҳисобрақамига тўлаб бериш мажбуриятини олади.

**Закалат тўлови учун реквизитлар:** «KO'CHMAS MULK FINANS INVEST» МЧЖ, ҳ/р: 20208000900759233001, банк: «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 304815549.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан корхона ходими ёки аукцион ташкилотчиси ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. **Тел.:** (99) 862-16-71. **E-mail:** kmfiauksion@mail.ru.

**Лицензия № RR-0297.**

---

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ўзбекистон халқ артисти, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директори

**Мирза АЗИЗОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

2021 ЙИЛ 17 АПРЕЛЬ, ШАНБА
№ 52 (4492)

Холис назар



# «ФУТБОЛ-МУДБОЛИНГГА БОРМАЙМАН!..»

## ёхуд баъзи нохолис ҳакамлар, савиясиз мураббийлар ва найрангбоз мутасаддилар ҳамда жабрдийда мухлислар ҳақида

Бугунги ўзбек футболи муаммолари ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Жумладан, нохолис ҳакамлар, савиясиз мураббийлар, дангаса футболчилар, найрангбоз мутасаддилар, казо-казо пулдорлар, мансабдорлар-у амалдорлар майдонда ва майдондан ташқарида футбол билан боғлиқ хоҳлаган ишларини қилишади. Улар футбол муҳитини ўз манфаатларига мослаб яратиб олишади.

Бундай ҳолатлар футболимиз ҳамон эскилик сарқитларидан қутула олмаётганини англатади. Масалан, шу йил 7 апрель куни Наманганда бўлиб ўтган «Навбаҳор» – «Пахтакор» учрашуви жараёнида рўй берган нохушликларни бир эсланг. Бош ҳакам Фирдавс Норсафаров 1:1 ҳисобида якунланаётган ўйиннинг 90-дақиқасида VAR тизими (вазиятни қайта кўриш) орқали «Навбаҳор» дарвозасига 11 метрли жарима тўпи белгилади. Меҳмонлар ҳужумчиси пенальтини аниқ амалга ошириб, «Пахтакор»ни ҳисобда олдинга олиб чиқди.








«Навбаҳор» – «Пахтакор» учрашувидан лавҳа

Бу ноҳақликка чидай олмаган мухлислар олдин стадионда ҳакамлар ва рақиб жамоа аъзоларини ҳақорат қилишди, кейин ташқарида тартиббузарликлар содир этилди. Хайриятки, ички ишлар идоралари ходимлари вазиятни иссиғида юмшатдилар. Адолатсизликка йўл қўйган ҳакамлар, «Пахтакор» жамоаси ва бошқалар Наманган шаҳридан тинчгина кузатиб юборилди. Орадан кўп ўтмай нохуш воқеага бевосита алоқадор 7 кишига нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми «в», «г» бандлари бўйича жиноят иши очилди.

Айни кезларда мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. У ниҳоясига етгач, иш судга оширилади ва айбдорлар қилмишларига яраша жазоланадилар.

Тошкентда эса Ўзбекистон футбол ассоциациясининг Тартиб-интизом қўмитаси томонидан ушбу можаро муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда таъкидланишича, ўйин пайти иккала жамоа расмийлари белгиланган техник зонадан бир неча бор чиқиб кетиб, ҳакамларни қаттиқ ҳақорат қилишган. «Навбаҳор» мухлислари эса футбол мусобақаси охирида майдонга турли нарсаларни улоқтириб, ҳакамлар ҳамда рақиб жамоа аъзолари соғлиғи ва ҳаётига хавф туғдиришган. Учрашувдан сўнг стадион атрофида тартиббузарликни давом эттириб, ичига ҳакамлар яшириниб олган деган гумон билан Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг кўчма станциясига ҳужум қилиб, унга жиддий зарар етказишган. Шунга кўра, Ўзбекистон футбол ассоциацияси қарори билан «Навбаҳор»га нисбатан ўз майдонида бўладиган кейинги икки учрашувга мухлисларни киритмаслик жазоси тайинланди. «Пахтакор» эса фақат жарима тўлайдиган бўлди.

Ҳолбуки, ҳакамлар бригадаси пойтахт жамоасига ён босмай, ўйинни одилона бошқарганларида, катта жанжал келиб чиқмаган бўларди. Қолаверса, ўша учрашувдаги ғалаба «Пахтакор»нинг обрўсини кўтармади, аксинча, футбол ишқибозларининг унга нисбатан ихлосини сўндирди.

Мухлисларнинг ёдида бўлса, мустақилликка эришилгандан кейин ўтказилган дастлабки Ўзбекистон чемпионатида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ғолиб чиққан бўлса-да, мутасаддилар зўрма-зўракилик билан «Пахтакор»нинг «қулоғидан тортиб», қўшчемпионликни эълон қилишганди. Бу дунё футболида бирор марта ҳам кузатилмаган «янгилик» эди.

Ваҳоланки...

Осиё чемпионлар лигаси доирасида ўтказилаётган халқаро мусобақалар «Пахтакор» қанақа жамоа эканини ҳар йили ошкор қилиб қўяди. Ўз юртимизда рақибларидан катта фарқ билан чемпионга айланган жамоа Ўзбекистондан ташқарига чиққани ҳамоноқ текис майдонда ҳам қоқилади. Ҳакамлик борасидаги нохолислик, бир жамоани чемпионлик сари «етаклаш», бунинг учун катта маблағларни ҳавога совуриш, хориждан мураббий таклиф қилиб, бир неча ўн миллионлаб доллар иш ҳақи бериш, боз устига, жамоанинг халқаро мусобақалардан ҳар сафар «бурни қонаб» қайтиб келаверишига чидаш, тўғриси, футбол мухлисларининг жонига тегди. Шунинг учун ҳам Тошкентда «Пахтакор» иштирокида бўладиган чемпионат ўйинларига келадиган мухлислар сони кескин камайиб кетди.

Мамлакат чемпионати нуфузининг тушиб кетишида келишилган ўйинларнинг, келишувчан ҳакамларнинг, шахсий манфаати йўлида футболга аралашиб юрган мураббий ва мутахассисларнинг айби катта. Бундан 8-10 йил илгари Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичида бирйўла учта жамоамиз майдонга тушарди. Эндиликда бу ҳолат 1+1, яъни, бир жамоа гуруҳ босқичидан, яна бир жамоамиз саралаш босқичи орқали ОЧЛда иштирок этади. Бунга клубларимизнинг халқаро беллашувлардаги кўплаб мағлубиятларидан ташқари, коррупцион ҳолатлар ҳам сабаб бўлмоқда. Қисқаси, ички чемпионатимизда учрайдиган адолатсизликлар, қинғирликлар ФИФА ҳамда ОФК олдида мамлакатимиз шаънини ерга урмоқда.

Буни қаранг, ҳозир давом этаётган мамлакат чемпионатининг иккинчи туридаёқ ҳакам Виктор Сиразитдинов «Сўғдиёна» – «Турон» (1:0) учрашувида «Турон» клубига нисбатан асоссиз қарор чиқариб, унинг дарвозасига 11 метрли жарима тўпи белгилади. Адолатсизликка учраган жамоа мураббийи Исломбек Исмоилов бундан қаттиқ жазавага тушди.

Афсуслар бўлсинки. ҳакамлар орасида нопоклари кўп. Мана, оқибати: бултур ноябрда мамлакат чемпионати ҳамда халқаро мусобақаларни бошқарадиган уч нафар ҳакам – Сардор Нажафалиев, Жасур Мухторов, Темур Тўхтасиновлар келишилган ўйинларда қатнашгани ва пора эвазига учрашувлар натижасига жиддий таъсир ўтказишгани учун футболдан четлатилиб, катта миқдорда жаримага тортилдилар. Жорий йил январида келишилган ўйинларда қатнашгани учун ФИФА доирасидаги ҳакам Шерзод Қосимов ҳам 3 йил муддатга бундай ҳуқуқдан маҳрум этилди. Лекин бу билан соҳадаги коррупция барҳам топгани йўқ. Чунки таъмагир ҳакамларга берилаётган жазо чоралари жуда енгил. Бинобарин, улар жавобгарликдан чўчимайдилар.

Про лиганинг 3-туридан ўрин олган «Олимпик» – «Бухоро» учрашувини бошқарган ҳакам бухороликларга очиқчасига «ёрдамлашиб» юборди. «Олимпик» мураббийи Темур Копадзенинг таъкидлашича, учрашув давомида ҳакамлар унинг жамоасига қарши жиддий босим ўтказишган. «Бухоро» дарвозаси томон белгиланиши лозим бўлган 11 метрли жарима тўпини атай йўққа чиқарган. Оқибатда, «Олимпик» 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган.

Энг ачинарлиси, футболимизда коррупция, таниш-билишчилик авж олгани касофатига Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ФИФА ҳамда ОФК олдида нуфузи тушиб кетди. Навбатдаги Жаҳон чемпионатининг саралаш босқичи «D» гуруҳи ўйинларини ўтказиш учун ОФК томонидан Саудия Арабистони танлангани ҳам футболимиз мутасаддилари учун катта дашном бўлди. Негаки, Саудия Арабистони терма жамоаси бизнинг гуруҳдаги энг хавфли рақибимиз саналади.

Яна бир гап. Ўзбекистон ҳам гуруҳ ўйинларининг барчасини Тошкентда ўтказиш таклифи билан чиққан эди. Бироқ ОФК бу таклифни инобатга олмади. Терма жамоалар маркази раҳбари Азиз Ҳайдаров шу хусусда маълумот бераётиб, ОФК қарорини адолатсизликка йўйди. Саудия Арабистони варианти ўзбекистонлик футбол мутасаддиларининг иштирокисиз ҳал қилинганига, бунда арабларнинг ОФКнинг мусобақалар ўтказиш бўлимидаги 5 нафар мутахассиси асосий рол ўйнаганига урғу берди. У фикрини давом эттириб, чемпионлар лигасининг гуруҳ ўйинларини Тошкентда ўтказиш ҳақида ОФКга мурожаат қилишдан олдин «Пахтакор» мутасаддиларига учрашганини, улар стадионни таъмирлаш учун молиявий имконият йўқлигини айтишдан на-





«Сўғдиёна» – «Турон» учрашувидан лавҳа

рига ўтишмаганини эслатди.

Ажабо, «Пахтакор»да пул йўқми? У ҳолда ўзбек футболига зиғирчалик нафи тегмаган грузиялик машҳур мураббий Шота Арвеладзе бу жамоага қайси маблағ эвазига келди? Қолаверса, гуруҳ ўйинлари ўтказиладиган мамлакатга ОФК 150 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратади. Ўйинларни трансляция қилиш ҳуқуқи ҳам ўша давлатга берилади. Бундан катта фойда кўриш мумкин. Шундай экан, «Пахтакор» раҳбарлари нега яхши таклифга рози бўлишмади?..

Бизда футбол тез ривожланмаётгани моҳиятини англаш учун ўтмишга назар солиш кифоя. Ўзбекистон терма жамоаси 1994 йилги Осиё кубогидан сўнг бирорта дуруст натижага эришмади. «Насаф»нинг ОФК кубоги мусобақасида зафар қучгани жамоанинг ўша пайтдаги бош мураббийи, украиналик Анатолий Демяненконинг маҳорати билан боғлиқ.

Хорижда келишилган ўйинларда бевосита иштирок этган ҳакамлар, мураббий ва футболчилар дарҳол жиноий жавобгарликка тортиладилар. Бизда эса Ўзбекистон Ҳакамлар қўмитаси раҳбари Эркин Бахтиёровнинг таъкидлашича, 2021 йилга қадар бирорта ҳакам ёки футбол мутахассисига нисбатан бундай жазо қўлланилмаган. Улар, нари борса, футболдан вақтинча четлатилган ёки жаримага тортилган, тамом-вассалом! Айримлари чеклов муддати тугамасдан, яна футболга қайтган.

Менимча, мухлислар терма жамоамизнинг собиқ бош мураббийи Самвел Бабаян тўғрисида етарлича маълумотга эга. Унинг терма жамоага бош бўлиб келишининг ўзи аслида катта хато эди! 7 апрель куни Наманганда бўлган воқеа ҳам футболимизнинг аҳволи қай даражада абгорлигини яна бир бор ойдинлаштирди.

Қиссадан ҳисса шуки, бизнинг футболимиз ҳам коррупция ва унга ўхшаш иллатлардан тозаланса, айни муддао бўларди. Ҳакамлар ва мураббийлар ҳалол ишласалар, клубларимиз халқаро мусобақаларда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилса, терма жамоамиз жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритса, соҳада туб ўзгаришлар рўй бергани сезилар эди. Ҳозирги кетишда эса, вақти келиб, мухлислар футбол майдонларига бормай қўйишлари эҳтимолдан холи эмас.



Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

# ҲАЁТ АЗИЗ, АММО...

Менинг фикрим

**Эсимда, ўн йилларча олдин эвтаназия ҳақида кескин баҳслар бўлган ва ўшанда Инсонга умрни Яратган беради, уни олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деган гуманистик фикр устуворлик қилганди.**



Ҳа, биз учун инсон ҳаётини, умрини эъзозлаш – олий қадрият. Аммо ҳар доим ҳам шунақами? Агар сунъий йўл билан ўлдиришларини кишининг ўзи тиласа-чи?..

Икки йилча олдин бир ҳамкасбимникига бордим. Гаплашиб ўтирганимизда чуқур инграган сас кела бошлади. Нима гап, ким у, нега бунча нола қиляпти, деган маънода ҳамкасбимга қарадим.

– Қўшнимизнинг бобоси, – деди у «парво қилманг» деган маънода. – Етти йилдан бери ётибди. Таҳорати ҳам ўтирган жойида. Ол жонимни, дея ялинади...

Яқинда бир танишимникида бўлдим. Кириш эшиги олдида қоқсуяк, кўзлари ичкарига ботган, сочлари оппоқ ва тўзғиган, икки букилганча дир-дир қалтираб, Худойим, ол мени, ол мени, деб инграётган кампирга дуч келдим. У танишимнинг онаси бўлиб, 97 ёшда экан.

– Оёқдан қолганига олти йил бўлди. Яхшиям, ишим бемалол. Акс ҳолда, билмайман, нима қилардим. Ўзига ўлим тилайди, лекин Худо олмайди. Бизга оғир юклигидан ўзи ҳам изтиробда...

Ҳа, ҳаётда бунақа ҳолатлар кўп кузатилади. Тирик жон дардга чалинади, кучи кетади, бировнинг ёрдамисиз юролмай қолади. Табиат ҳеч кимнинг тик, соғ-саломат юришини кафолатламаган. Тасодифлар туфайли чалажон ётганлар қанча? Улар ёнида яқинлари борлигидан миннатдор бўлса арзийди. Агар шундай яқинлари, ёрдамчилари бўлмаса-чи? Уларга ким қарайди? Яқинлари ишлаши, ўзини, оиласини боқиши керак. «Мурувват» уйларига боришга ҳамма ҳам рози эмас, айниқса, бизда кекса ота-онани бундай уйларга топширишга нисбатан салбий муносабат шаклланган.

Эвтаназия баъзи давлатларда қўлланилади. У қаттиқ тиббий ва жамоатчилик назорати остида амалга оширилади. Бу масалада Шарқ, жумладан, Ўзбекистон ҳам ўзининг гуманистик, маънавий-ахлоқий қадриятларига содиқ. Ҳатто «қариётган Япония»да ҳам эвтаназия қўлланилмай, кексаларнинг жисмоний соғлом яшаши ҳақида қайғуришади.

Бироқ ўлишни шахснинг ўзи тиласа-чи? Узоқ хасталик уни ҳолдан тойдирса ёки яшашдан тўйдирса-чи? Кечалари ухламай, бошқаларга ҳам уйқу бермай, додлаб «Ол жонимни», деб чиқса-чи? Ўзида ҳам, яқинларида ҳам сабр-тоқат қолдирмаса-чи? Яқинларининг ишлашига, нормал яшашига халақит берса-чи?

Биз бировнинг, айниқса, жисмонан ожиз одамнинг жонини олиш ҳуқуқига эга эмасмиз. Бу узоқ ётиб қолган, айниқса, ўзи ва яқинлари, эвтаназияга рози бўлган кишилар учун қанчалик зарур? Муаммодан йироқ киши бизни ёвузликда айблашини сезиб турибмиз. Чунки у ўзига ўлим тилаётган хастанинг фарёдлари бошқалар руҳига, кайфиятига қанчалар салбий таъсир қилишини билмайди-да. Аммо бу шахсий қарашлар, фикрлар. Айтмоқчи бўлганимиз эса жамоатчилик бунга нима дер экан?

**Кўйлагининг олди киндигида, орқа этаги эса товонида аёлни кўриб, «Аёл этаги тўпиғидан кўтарилгач, қиёмат бўлади» деган сўзларни эслайман беихтиёр.**

Мулоҳаза

# «Унутилаётган» маданият



Сиз ҳам ён-атрофингизда кишиларнинг кийинишига разм солинг. Ёшлар тизза қисмининг тепаси йиртилган шим кияди. Ёз кунлари қизлар сонлари ва киндикларини очиб юриши, автобусда оёқларини кериб, ички кийимларини кўрсатиб «мақтаниш»и ҳам одатга айланди.

Яқинда хотиним меҳмонга борадиган бўлиб, кўйлак сотиб олди. Иш билан банд бўлиб, қарамабман. У меҳмондан қайтгач, қарасам, олди кўкраги ярим очиқ, этаги тиззасидан бир қарич тепада. Олтмишга кирган аёл! Ҳайрат билан тикилсам, бу мода, деди.

Кўп ўтмай, живир-живир гулли лозимда ошхонага ўтди. Кейин дўконга бориб келди. Бунақа лозимни буви, момоларимиз узун кўйлак тагидан киярди. Норози қараганимни кўриб, барча аёл шундай, деб ғашимга тегди.

Кўп ўтмай, ўн олти яшар неварам ҳам шундай лозимда кириб келса бўладими?..

Телевизорда костюми енгил тирсакка қайрилган, бўйнида қалин тилла занжир йигит у ёқдан-бу ёққа чопқиллайди. Нима деяпти, тушуниш қийин, лекин лайлакникидай ингичка оёқларини тинмай гоҳ олдинга, гоҳ ёнга силжитади. Ўзича, хонанда!

Яна бир қизча узун, саҳнани супурадиган ялтироқ кўйлак кийган. Узун кўйлак эркин ҳаракат қилишга имкон бермаяпти, у бир қўлида микрофон, иккинчи қўли билан ердаги этагини тортгани тортган. Кулгили!

Бошқа каналга ўтаман, ҳеч мантиққа мос келмайдиган ҳолни кузатаман. Катта шляпа кийган киши ўзбекча ҳангома қилмоқчи. Томошабинлар ҳам кулади. У мол бозорига борганини ҳикоя қиляпти. Оёғида кроссовка, устида ковбойча жинси нимча. Гўё от устидан чопиб бораётгандек, сакраб-сакраб ҳам қўяди.

Биз миллий маданият, ундаги гўзал анъаналарни асраш тўғрисида кўп гапирамиз, кўп ёзамиз. Лекин ҳаёт бу даъватларга бефарқ. Унда биз ҳали англаб етмаган сирлар бор. Нега узун кўйлакда қўлини кўксига қўйиб салом берган қизда биз гўзаллик, эстетик идеал кўрамиз-у, юқоридаги мисоллардан хафа бўламиз? Нега шим кийган қиз ёки рафиқамиз ғашимизга тегади-ю, чет эл киноларидаги ковбой қизга ҳавас билан тикиламиз?

Умуман, биз кийиниш маданиятини унутиб қўймоқдамиз. Узун яктак кийган йигит кўзимизга «антиквар» кўринади. Узун чопон кийган киши «сал бошқача» туюлади. Замонавийлик кийиниш маданиятини прагматизм, ишчанлик, ҳаракатчанлик томон ўзгартириб юбормоқда. Биз бу таъсирдан холи яшай олмаймиз. Аммо миллий кийиниш маданиятимиз биздан узоқ кетолмайди. Биз бу меросни сақлай оламизми, мана гап қаерда!?.



Виктор АЛИМАСОВ

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

Ҳудудлардаги мухбирлар:
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** — (+998-99) 889-90-31
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-99) 889-98-44
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

Навбатчи муҳаррир: Ж. Наҳанов

Мусаҳҳиҳ: С. Шодиева

Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:30**
Топширилди – **23:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 406.**
**30379** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130